

Водийда янги йўл курилаётганига икки йил тўлаётганди ва ўтган йиллар ичидаги ерда икки киши халок бўлди. Курбонларнинг биринчиси устига бетон плита тушиб кетган курувчи бўлса, иккинчиси шу атрофда яшовчилардан бири эди. У бузилиши керак бўлган уйи-ни ташлаб чикишдан бош тортиб, сочма ўқдан ўқ-ланган милтик билан хи-мояланиб, тун бўйи мижжа кокмай дераза остида ўтириб чикар ва шу уйда эллик йилдан бўён яшаётгани, ўлиги хам шу ердан чикишини айтиб бакираради. Бироз шов-шув бўлганди, муҳбирлар, сураткашлар... Бирок уйни штурм килишга хожат колмаганди: чол юрак хуружидан вафот этганди.

Бирок эрта тонгда куриб битказилаётган янги йўлда кетиб борар экан, Жон Ганарсон умуман бошка нарса хакида ўйлаётганди. Янги йўл хакида бош котиришга хали вакти бўлади: энди бу йўл туфайли у ишдан уйигача хеч канака светофорлар, чоррахаларда ушланмайди, доим бирор таъмирлаш ишлари олиб борилаётгани туфайли торайиб колган йўл-лардан юришига хожат колмайди; бирок янги йўл тушган жойда бир пайтлар инсонлар яшаган, уларни кўчириб уйлари бузиб ташланган, илгари машинасини шундоккина уйининг олдигинасигача хайдаб борарди, энди эса тепалик ёнида колдириб, ўёгига пиёда чикишга мажбур бўлаётганди.

Хозир у бошка муаммолар хусусида бош котираётганди. Биринчиси, унинг кичик ўгли — кетма-кет дардга чалинаверадиган, туни билан йиглаб, бигиллаб чикадиган Билл эди. Боласининг халиям тирик юрганига хотини Элла сабабчи.

Элла — иккинчи раками муаммо. «Тинч кўй, Жо, — дея жеркиб берарди хотини кечалари уни силаб-сийпалай бошласа, — зўрга турибман. Билл куни бўйи йиглайвериб, бошимни шишириб юборди. Битта Билл менга камлик килгандек, Худо урган уканг этишмай турувди».

Укаси Клинт учинчи раками муаммо эди. Афтидан, Жонинг хаётидаги муаммоларнинг барчаси инсонлар экан. Унинг ўзи яхшигина топади, соглом эркак. Эх, Билл онасининг чиройи-ю, отасининг соглигини мерос килиб олгандами?! Агар Элла ва Клинт бир-бири билан келишолгандами? Клинт-нинг ўзи алоҳида яшагани идеал холат бўлардику-я. Бирок, унинг айтишича, хозир иш тополмаётганмиш, шу сабабли уни исталган вактда армияга чакириб колишлари мумкин экан. Клинт жуда кеч ётарди, бу эса Элланинг гашини келтиради. Куни бўйи у округни ўзининг шалок машинасида кезиб чикарди. Машинанинг юриб туриши хам Жонинг зиммасида эди, бу эса Эллани янада газаблантиради. Уйга хам ўзи истаган вакт-да, яхшилаб овкатланиб олиш учунгина келарди. Табиийки, ука уйга бир тишлам нон хам олиб келмасди, бу эса Эллани кутуртиради.

Жо чукур нафас олди. Ко-рон-гулик атрофдаги тепаликларни тобора ўз комига тортаётганди. Факатгина тугма эҳтиёткорлиги кескин тормоз босиб, йўл четида турган машина билан тўкнашиб кенишининг олдини олди.

— Вой Худойим! — инграрди машина эгаси. — Мени отишди! Худойим! — У униккан иш

кийими кийиб олган ўрта яшар эркак эди. — Нега?! Мен кимга керак бўлдим? Худойим! Ўз йўлимда кетаёган бўлсам, хеч кимга халакит бермаган бўлсам, мана сенга, деб отиб ташлашди! Ўк мана бу ерга тегди. — У бармогини тешикка тикиб кўрсатди. — Ўкнинг тушганини эшитдим, лекин топа олмаяпман. Машинадан тушаётганимда учиб кетдимикин-а? Фонарингиз йўкми?

Жода фонарь йўк эди.

— Менга каранг, нега сиз уни ўк деб хисобляяпсиз? Балким каршингиздан келаётган машина учирив юборган тошдир? — деди Жо.

Эркак Жога кутургандек шунаканги нигоҳ солдики, Жонинг баданидан совук тер чикиб кетди.

— Тош?! Канака тош?! Нималар деяяпсан? Кани, йўлингдан колма! Тош эмиш! Вой Худойим!

Ганарсон уйининг ортидаги тепалик тагида машинасини тўхтатиб, тор сўқмок бўй-лаб тепага кўтарила бошлади.

Клинт меҳмонхонада полга ёнбошлаб, телевизор томша киларди. Элла духовкада нимадир пишираётганди. Билл эса меҳмонхона ва ошхона орасида бурнини тортганча эмаклаб юарди.

— Йўлимиизда кизик ходисалар бўляпти, — деди Жо остоидан кирап-кирмас.

— Ха-ха, — деб жавоб берди Клинт юзидағи курук ифодани бузмасдан.

— Кўрдингми, Жо! Энди мени тушунгандирсан? Куни бўйи шу ахвол, кундан кунга хикилдогимга келяпти, — ингради Элла.

Кичкина Билл отаси олиб келган ва аслида кечки овкатдан кейин ейилиши шарт бўлган конфетга кўлчаларини чўза бошлади. Жо катъият билан ўглини итариб ташлади, болакай йиглай бошлади.

— Бунга нима дейсан? — аралашди Клинт. — У энди иккига киряпти. Нега унинг гашига тегасан?

Билл отасига хафа бўлиб тикилиб туради. Жо ух торт-ди ва бир-икки дакикадан сўнг маза-матраси йўк ов-катни кўкларга кўтариб мактаб туради, Элла эса бунга эътибор хам бергани йўк. Овкатланиб бўлишгач, у ётокка жўнади, бирок хадеганда уйку келмас, шу сабабли Жо яна меҳмонхонага йўл олди. Клинт хануз полда ястанганча тунги шоуни томоша килиб, сигарет тутатиб ётар, Элланинг хира кайфияти халигача таркамаганди. Жо ух тортиб, яна ётокка кайтди.

Ганарсон «Герси корпорейшн»да ишларди. Бу завод мева ва сабзавотларни кайта

ишлар, уларни куритиб, кадоклаб махсулот ишлаб чикарувчиларга жўнатар эди. Корхона унчалик катта эмасди, раҳбариятда тўртта бригадир бор эди. Жо улардан бири эди. Катта омборхонага ўхшаб кетадиган цехларда кўпинча у ўзини уйидан кўра шу ерда хотиржам хис килишини тан оларди.

«Янги йўлимиизда кизик ходисалар бўляпти...» — деди Жо бригадирлардан бирига ечиниш хонасида кийим алмаштираётиб. «Кеча кизик ходисанинг гувохи бўлдим», — дея ўртоклашди у корхонанинг ошхонасидаги официант аёлга. Факатгина кария мистер Гернсига хам буни айтиётганда ичидан бир нидо келди: «Сен бир нарсани хадеб такрорлавераяпсан». Жо пешонаси тиришиб, ички овозига ўзича жавоб килди: «Унда нимани айтай? Менинг муаммоларим уларга кизикмикан?» Нима бўлганда хам, мавзуни ўзгартириб, бошлиги билан машиналар хакида гаплаша бошлади.

Бирок, иш куни якунланаётib Жо яна ўша мудхиш воеага кайтишга мажбур бўлди. Навбатчиликдан сўнг душда ювинаётib, бригадирлардан бири Боб Ламотта сувнинг шовкини аралаш унга деди:

— Эй, Жо! Боя гапириб берган эркак унга карата ўқ узишганини сенга айтган экан, сен эса бу тош дегансан...

— Мен тош деганим йўқ, шунчаки фараз килдим...

Бирок Боб Жони эшитмаётганини билдириб, елка кисди ва душдан сўнг сухбатни давом эттириди:

— Хуллас, Жо, сен адашибсан. Шерифнинг ёрдамчилари ўқ узилганини тасдиклишибди.

— Шерифнинг ёрдамчилари хеч качон адашмас эканми? — гўлдиради Жо.

— Тўгри. Бирок бугун хам йўлда ўқ узишган. Бир хоним шахардан кайтаётган экан, бир вакт пакиллатиб отиб колишибди. Ўки орка ён ойналарнинг иккисини хам тешиб ўтган. Тошдан бунака туйнук колмаса керак...

Эртаси куни йўлда учинчи марта ўқ узилди. Икки кун мобайнида полиция ўтаётган машиналарга ким ўқ узган бўлиши мумкинлигини аниклаш максадида тепаликлар атрофини тинтиб чикишди. Жавоб жуда оддий эди: исталган киши! Йўлнинг узунлиги бир неча мил эди, атрофдаги тепаликларнинг эса саноги йўқ.

Кейинги икки кун давомида хеч ким ўқ овозини эшитмади. Бирок учинчи кун турли участкаларда тўртта машина ўкка тутилди.

— Бу кимнинг иши бўлиши мумкин? — хайкирди Жо уйида.

Элла дарров жавоб берди: ўрмонда тикилиб ётган, бутун дунёни ўзидан карздор деб хисобловчи бекорчи безорилардан бири бўлса керак-да.

Клинт сўкинди. Элла Жога каради ва бакира кетди:

— Унинг сўкинишига индамай караб тура оласанми?

Жо бу жанжаллар хикилдогига келгани хакида ўйлаб колди ва эртасига ёк мистер Гернсидан Клинт учун ар-мия-га чакирилишигача бирорта вактинчалик иш сў-рашни кўнглига тугди. Хечкурса Элла кундузи уйда бир ўзи ўглига кўпроқ вакт ажрата олар. Боланинг хиккиллашидан кулгусини эшитиш яхши-да. Баъзан Жо ўгли ва укасининг юз ифодалари бир хил эканлигидан хайратланарди. Иккиси хам — доим нимадандир хафа ва кўнгли тўлмаган.

— Менимча, бирорта эси паст отаётган бўлса керак, — дея ўз саволига жавоб беради бошлади Жо Клинт ва Элла ўтасида алангаланаётган жанжални ўчиришга уриниб.

Эртаси куни эса у газеталарда айнан шу тахминини ўкиди. Сарлавхалар савол берарди: «Водийдаги эси паст снайперни кандай топиш мумкин?», «Телба Снайпер. Ким у?».

Жо кундузи завод ошхонасида тамадди килиб ўтирган уч полициячидан снайпер хакида чидай олмай сўради.

— Бу бола эсини йўкотгани аник, — деди полициячилардан бири. — У бу туришда кимнидир ўлдириб кўяди. Шунака жиннилар хам бўлади. Улар хаёлига келиб колади-да, милтиқдан дуч келган томонга ўқ уза бошлашади. У бирорта хат ёзганда хам уни ушлашимиз осон кечарди.

Официант аёл Безори Жек деганлари хам коп-коп хат ёзгани, у хатлар билан бутун бошли Скотланд Ярднинг жами деворларини ёпиштириб чикиш мумкинлиги, шунда хам уни топа олишмаганини эслатди.

Юзлари кип-кизил иккинчиси полициячи эса на хамкасби, на газетачиларга кўшилди.

— Агар менинг фикримни билмокчи бўлсангиз, — деди у. — у кандайдир олифта. Хеч ким хеч кимдан касос олмаяпти. Шунчаки, асабларга ўйнаш учун ўқ узяпти. Олифталар ўзи шунака бўлишади. Балким ким хайдовчига якинрок ўқ узиш хакида бахсласишгандир? Жа куюшкондан чикиб кетибди улар. Балдоги мис чарм камарларни олиб, иштонини ечиб, бакиртириб ясаш керак уларни.

Тушликдан сўнг Жон мистер Гернси билан Клинт хакида гаплашмокчи эди, лекин бошлиқ ундан аввал гап очди:

— Бу мерган йўл курилиши давомида уйи бузиб ташланганлардан бири бўлиб чикса ажабланмайман. Эсинг-дами, Жо, жуда кўпчилик норози эди. Лекин бизга янги йўл керак хам эди-да!

— Гапларингизга кўшиламан, — деди Жо. — Илгари ишга кечикмай, деб жуда эрта йўлга чикишга мажбур бўлардим. Уйга хам качон етиб боришимни олдиндан айта

олмасдим. Энди эса йўлга канча вакт сарфлашимни сониясигача биламан. Айтмокчи, мистер Гернси...

— Лекин улар хаммани рози килишмаган, — девом этди бошлиқ. — фалон ўлчамдаги уй фалон фунт турмайди, деб хисоблашган. Хаммага бир хил хак тўлашган. Хеч кимнинг уйининг ичидаги нима борлигига эътибор хам бермаган. Баъзилар уйини якиндагина таъмирлашган, янги иситиш тизими, турли мосламалар килиб олишган-да... Хаммага баробар бўлинган. Мана, кимдир янги йўлда катнаётганлардан ўч олишни кўнглига тукканга ўхшайди.

Жо бошини тасдик маъносида иргади:

— Бўлиши мумкин. Сиз шерифга кўчириб ўтказилганларнинг хаммасини текшириш керак, деб айтасизми?

— Бу хакда шериф билан гаплашишим керак, деб ўйлансанми, Жо?

— Бу жиддий масала, менимча, учрашишингиз керак.

Натижада, Жо Гернсидан Клинт учун иш сўрашни унутди.

Эртаси куни ишга келган Жо ховлида полициячиларнинг машинасига кўзи тушди.

— Ўгри тушибди, — тушунтириди Боб Ламотта. — Кимдир идорага кириб, кассани босган, столлардаги хамма тортмаларни очиб кўриб, иккита ёзув машинкаси, радиоприёмник, хисоблаш машинаси ва яна алламбалоларни кўтариб кетибди.

Мистер Гернси шериф ёрдамчилари билан гаплашаётгани эшитилиб туради:

— Албатта, менда гумон бор. Мен буни ким килган бўлиши мумкинлигини сез-япман. Лекин кечагидек — снайпер хакида гаплашмокчи бўлганимизда кўлларингизни силтамай, эътиroz билдиrmай эшитсангизгина айтаман.

Бу сўзларни эшитгач, Жо кўзга кўринмасликка карор килди. Агар кария Гернси унинг маслахатига амал килган бўлса-ю, полициячилар уни тинглашни исташмаган бўлса, яхшиси бошликтининг кўзига кўринмай тургани маъкул. У дархол кўл остидагиларини йигиб, ишга киришди. Ха, нокулай ахволга тушиб колди. Кариянинг тахмини ёмон эмасди.

Ўгириликни жуда тез очишиди. Тушликдан олдин хаммол Мануэль иккинчи каватга — Жо бригадаси билан ишлаб ётган цехга кўтарилиб, ютошиб гап бошлади:

— Уни ушлашди! Кимлигини хаётда топа олмайсизлар! Кани, уриниб кўринглар-чи!

— Мисс Понсонби? — деди кимдир гурр кулгуга сабаб бўлиб. Мисс Понсонби компанияда у асос солинган кундан бери ишлар, жу-да халол аёл эди.

— Эсингни еганмисан? — эътиroz билдиrди Мануэль. — Канака мисс Понсонби! Бўptи, барибир топа олмайсизлар. Бу Рэй экан!

Буни хеч ким кутмаганди. Мўминкобил йигит Рэй компанияда бухгалтер бўлиб ишлар, ёлгиз онаси билан яшар, кечалари черковда орган чаларди. Бу хам миссис Понсонби ўгри бўлиб чиккандек хайратланарли эди!

Янгиликдан хануз ўзига кела олмаётган Мануэль тушунтириш бера бошлади: Рэй аввал бошдан пул ўгирлаб юрган экан. Ишчилардан кимдир бошлиқ уни тутиб олиб, икрор хати ёздирганини эслади. Мистер Гернси ёш бухгалтерни нима килсан экан, деб ўйлаганча у ўзининг икрорномасини ўгирлаб, ишдан бўшаб, бош-ка жойга кўчиб кетишни мўлжаллаган. Хакикий ўгриликни сахналаштириш учун идорадан пул ва бошка нарсаларни хам ўгирлаган. Бирок кария Гернси Рэйнинг икрорномаси йўколганини кўргач, гап нимада эканлигини сезган. Хакикий ўгри хеч качон бундай «кимматбахо» когозга тегмаган бўларди. У ўз гумонларини шериф ёрдамчиларига билдирган, бу сафар улар уни индамай эшитишибди. Полиция уйига бостириб боргач, Рэй хаммасини бўйнига олибди.

Мистер Гернси кун бўйи Рэйга расман айблов эълон килиш-килмаслик хакида ўйлади. Иш куни тугашидан пича аввал у ўзининг чанг босган «Шевроле»сига ўтириб, якуний карорни Рэйнинг онаси билан гаплашиб олгач чикаришни ният килиб, унинг хузурига йўл олди.

Навбатчиликдан сўнг, Жо душда чўмилаётганда Боб Ламотта кулимсираганча ундан сўради:

— Телба снайпер хакидаги сўнгги янгиликларни эшитдингми? Кимнинг машинасига кумуш ўқ келиб тегса у вампирлар хакидаги янги фильмга бепул чипта сохиби бўлар экан! — Боб ўзининг хазилидан ўзи нашъя килганча хохолаб кулди.

Жо янги йўлдан уйига кайтарди. Бошида турли ўйлар гужгон ўйнарди. Корогуликда йўл четида турган машина ёнидан ўтиб кетай деди. Жо «Шевроле»ни таниди. Формали кимса кўлидаги фонар билан олдинга ундади.

— Ўтиб кетаверинг, кетаверинг!

— Бу бошлигим мистер Гернсининг машинаси. Унга нима бўлди?

Фонар Жонинг юзини ёрита бошлади ва шериф ёрдамчиси деди:

— Уни ўлдиришибди. Ўк унинг бошига теккан. Сиз Гернсининг кўлида ишлармидингиз? Исмингиз нима?

Сирена овози эштила бош-лади. Яна битта полиция машинаси етиб келди. Жо мистер Гернси рулни кучоклаб сулайиб колганини кўрди. Унинг шу холати Жога маъкулрок кўринди: у бошлигининг ўлик юзини кўрмайди.

— Шундай бўлиши хам керак эди, — деди шериф ёрдамчиси. — Доим машиналарга карата ўқ узилаверса, эртами-кечми бирортага тегиши аник эди.

Шу вакт Жони ток ургандек бўлди. У ўзи истамай гапира бошлади:

— Агар бу тасодиф бўлмаса-чи? Кимдир аввалдан хаммани боши берк кўчага камаш учун котилликни режалаштирган бўлиб чикса-чи? Бирорта эси паст манъяк деб ўйлашлари учун машиналарга ўқ узизб турган. Ўзи истаган кишини ўлдириб бўлгач, хамма буни тасодиф деб бахолайди. Шунака хам бўлиши мумкин-ку?!

Хеч ким жавоб бермади.

— Кария Гернсни ўлдириш кимга керак бўлди экан-а?! — бакириб юборди Жо.

— Анави мумсик Рэйга бўлмаса керак, харкалай, у полиция бўлинмасида панжара ортида, — деди шериф ёрдамчиси. — Бўпти, энди сиз кетаколинг.

Куйинганидан Жо йўлни зўрга илгарди. Бир илож килиб уйигача етиб келгач, тепаликнинг дуч келган жо-йи-да машинасини тўхтатди ва сўқмокдан оёкларини зўрга судраб кўтарила бошлади. Ёнокларини ёшлари хўл килаётганини сезиб, эшикни очди ва уйга кадам босди.

Элла ва Клинт хар доимгидек уйда эдилар. Ўзини кўзлари жикка ёш билан кўриб, улардан кай бири биринчи бўлиб бакириб юборганини тушунмади хам. «Улар мени яхши кўришади, — хаёлига келган биринчи фикр шу бўлди, шу сабабли ўпкаси тўлиб келаётган бўлса-да, хаммаси жойида, дегандек жилмайишга харакат килди, — Хар нима бўлса хам, уларнинг хар иккиси мени яхши кўради. Суйишади». Лекин унинг бу фикри яшин тезлигига бош-каси билан ўрин алмашди: «Ошхонада милтик нима киляпти? Ахир у ерда Билл бор-ку?!» Жо бу гапни оғзига чикармокчи бўлган хам эдики, Элла чинкирганча бакириб юборди:

— Ахир сен уни ўлдирдим девдинг-ку! Ўлди девдинг-ку!!!

Жо хотинига, сўнг укасига каради ва Элла не сабабдан кичкираётганини ва шунча вакт нималар бўлганини тушунди. У шахдам кадамлар билан ошхонага йўналиб, милтикни кўлига олди...

ШАВКАТБЕК таржимаси